



100 китоб  
түплами

## ҚУЁНЧИЛИК



**81**-китоб

**AGROBANK**

**100 китоб тұплами**

# **ҚУЁНЧИЛИК**

**81-китоб**



636,9  
K 70

Қишлоқ хұжалигини илмий асосда йүлга құймас  
әкәнмиз, соңада ривожланиш бұлмайды.  
Ш. МИРЗИЕВ.

### Хурматли дәққонлар, чорвадорлар, тадбиркорлар!

Жаҳон миқесіда ахолининг озиқ-овқат хавфсизлігінің таъминлашда аграр соҳаның үрни ва ахамияти кундан-кунға ошиб бормоқда. Жумладан, мамлакатимизда ҳам мавжуд ресурс ва имконияттардан оқилона фойдаланып, ахолиниң қишлоқ хұжалик маҳсулотлари билан кафолатты таъминлаш, ҳосилдорлик ва манбаатдорликни янада ошириш, соҳага илм-фан ютуқлари ҳамда замонавий өндешувларни жорий этиш долзарб масаладир.

Мұхтарам Президенттің Шавкат Мирзиев 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга үйлелгендегі Мурожаатномасыда, камбағаллікни қысқартырыш үшін қишлоқ ахолиси даромадларини күпайтиришда әнг тез натижада берадиган омил бу – қишлоқ хұжалигидегі ҳосилдорлик ва самарадорликни кескин ошириш эканлигини алохидада таъқидлаб үтдилар.

Бу жараёнда ҳар гектар ердан олинадиган даромадның қызығы үртаса 2 минг доллардан камида 5 минг долларгача етказыш устувор вазифа қылип қўйилди ва қишлоқ хұжалигига әнг илғор технологиялар, сувни тежайдиган ва биотехнологияларни, уруғчилик, илм-фан ва инновациялар соҳасидеги ютуқларни кенг жорий этишимиз лозимлиги белгилаб берилди.

“Агробанк” АТБ мамлакатимизда қишлоқ хұжалиги соҳасынинг барқарор ривожланишига ҳисса қўшиш учун нағақат молиявий, балки ижтимоий лойиҳалар билан ҳам аграр соҳага сармоя киритишга эътибор қаратмоқда.

Жумладан, ривожланған давлатлар қишлоқ хұжалигидегі әришилган ютуқлар ҳамда тажрибалар асосида соҳаның етук мутахассислари, олимлари билан ҳамкорликда фермерлар ва ахоли учун дастраслаби босқичда ушбу 100 та китобдан иборат қўлланмалар тўплами тайёрланди.

Тўпламда қишлоқ хұжалиги соҳаси, жумладан, мева-сабзавот ва полиз экинларини асосий ҳамда такрорий әкиш муддатида етишириш, иссикхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш, галлачилик, дон ва дуккакли экинлар, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик каби тармоқларнинг әнг илғор тажрибаларига оид кенг қарорвлари илмий ва амалий маълумотлар берилган.

Ушбу лойиҳани келажақда тажрибали дәққон ва фермерларимиз, чорвадор ва ветеринарларимиз, аграр соҳа вакиллари ва бошқа китобхонларимиз фикр-мулоҳазалари ҳамда таклифлари асосида янада такомиллаштирамиз.

Умид қиласыз, ушбу қўлланмалар тўплами Сиз – дәққонлар, чорвадорлар ва тадбиркорларимиз учун фойдалы болади.

Ҳосилингиз мұл-құл, даромадингиз баракали бўлсин!

Рустам Маматқұлов,  
“Агробанк” АТБ Башқарув раиси.

Inv № бр 33393.

**УУК 636.92**

**КБК 46.71**

**Қ 70**

**Лойиҳа ғояси муаллифи ва ташкилотчи: "Агробанк" АТБ**

**Тузувчи:**

А.Х. Холматов – Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти “Иммуногенетика” лабораторияси мудири, қ.х.ф.н.

**Тақризчилар:**

С.И. Мавланов – Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қумитаси, инновацион фаолият, фан ва таълим соҳасини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари, ветеринария врачи, в.ф.д.

К.И. Хидиров – Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти, илмий ходим.

Н.Т. Шоймуродов – Тошкент давлат аграр университети “Умумий зоотехния” кафедраси доценти.

**Лойиҳа иштирокчилари:** У.Ф. Файзуллаев, М.С. Ҳайитбоев.

**Мухаррiri:**

Т. Долиев – “Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” журнали бош мухаррiri.

Ушбу қўлланма “Агробанк” АТБ муассислигига тайёрланди ҳамда нашр эттирилди. Билдирилган фикр-мулоҳаза, хулоса ва тавсияларга тузувчи муаллифлар маъсулдор.

Ижтимоий лойиҳалар билан аграр соҳага сармоя киритиш доирасида “Агробанк” АТБ томонидан 100 та китобдан иборат қўлланмалар тўплами тайёрланди. Тўпламда қишлоқ хўжалиги соҳаси, жумладан, мева-сабзавот ва полиз экинлари, ғаллачилик, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик каби тармоқларнинг энг илфор тажрибаларига оид ривожланган давлатлар ва юртимизда эришилган кенг қамровли илмий ва амалий маълумотлар қамраб олинган.

Тўплам мазкур йўналишдаги биринчи нашр бўлиб, келгусида ушбу лойиҳани давом эттириш мақсадида билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида янада бойитиб бориш кўзда тутилган.

Қўлланма соҳа мутахассислари, фермерлар ва кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

**Ушбу қўлланма “Агробанк” АТБ тұхфасидир**

© “Агробанк” АТБ – 2021

© Нашриёт уйи “Тасвир” – 2021

© “Colorpack” МЧЖ – 2021

**ISBN 978-9943-7173-7-4**

## **МУНДАРИЖА**

Кириш .....	7
Қуёнларнинг биологик хусусиятлари.....	10
Қуёнлар учун зоогигиеник талаблар.....	12
Қуён зотлари.....	16
Қуёнларни серпуштлиги ва жинсий хусусиятлари .....	25
Қуёнларни замонавий бинолари, катакларда сақлаш усуллари .....	34
Қуёнларни озиқлантириш .....	47
Бурдоқи қуёнлар.....	67
Қуён касалликлари .....	70
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	96

## I КИРИШ

Республикамиз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Чорвачиликда гүшт, тухум, балиқ маҳсулотлари билан бир қаторда қуён гүшти етишириш алоҳида аҳамиятга эга. Күённинг танаси кичик бўлса-да, берадиган маҳсулоти инсон учун жуда фойдали. Күён гүшти соғлик учун фойдали бўлиб, бошқа гүштлардан таъми ва парҳезбоп хусусиятлари билан ажралиб туради. Янги музлатилган қуён гүшти барча мавсумларда фойдаланиш имконини беради.

Дунёда саноат усулида қуён боқиш кенг тадбиқ этилган бўлиб, маҳсус катакларда, ёпиқ биноларда мақбул микроиқлим шароити таъминланган ҳолда тўлиқ рацион асосида белгиланган озуқа билан боқиласди.

Қуён гүштининг биологик хусусияти, юмшоқлиги ҳамда ёғ ва холестерин моддасининг камлигини ҳисобга олиб, аҳолини барча қатламига шунингдек, турли касалликларга чалинган (аллергия, гипертония, ошқозон-ичак, меъда, ўт пуфак, жигар касаллик)ларига чалинганларга уни истеъмол қилиш тавсия этилади.

Шунингдек, қуён гүшти киши организмida ошқозон ширалари таъсирида тез ҳазм бўлади. У оғир, жисмоний меҳнат билан шуғулланувчилар, учувчи, ғаввос, спортчи, зарарли ишлаб чиқаришда ишловчилар, ифлосланган ҳудудларда яшовчи аҳоли учун ҳам фойдалидир. Қуён гүшти, айниқса, тўлақонли оқсил моддасига эҳтиёжи бўлган

шахслар – мактабгача ёшдаги болалар, үсмирлар, әмизиқли аёллар, кексалар учун ҳам жуда фойдалидир. Инсон ҳаёти давомида истеъмол қиласынан озуқалар таркибидаги түйинган ёғларни камайтириш хусусиятига эга. Қоюн ёғи жарохаттарни даволашда, қичима ва аллергияга қарши восита сифатида қулланилади. Ундан пардоз ва даволовчи дори-дармонлар ҳам тайёрланади.

Таркибидаги оқсил микдори қўй, мол, чўчқа гўштларига қараганда юқори, витамин ва минераллар кўп қоюн гўшти деярли барча гўшт турларидан устун туради. Қоюн гўшти таркибидаги витаминлар ва темир, фосфор, кобальт, марганец, фтор, калий моддаларини бошқа ҳеч қайси гўшт билан тенглаштириб бўлмайди.

Қоюн момифидан енгил саноатда турли маҳсулотлар, шляпалар, қўй жунини қўшиб валенки, жемфер, шарф, қулоқчин ва сўйим чиқитларидан қон уни тайёрланади. Қоюн ичакларидан мусиқа асблолари учун сим-тор тайёрланади. Терисидан эркаклар учун подтяшка, қайиш, 12 ёшгача бўлган болалар учун қўлқоп, теппак, пальто, камзул, сумкалар, картмонлар ва бошқа турли нарсалар ишлаб чиқарилади.

Ёғоч маҳсулотлари учун энг яхши елим ҳам айнан қоюн чиқитларидан (қулоғи, думи ички аъзоларидан) тайёрланади.

Қоюнчилик агро фирмалари 500 бош қоюндан боғдорчилик ва сабзавотлар учун яхши ўғит ҳисобланган 100 тонна органик ўғит (гүнги) олади.

Медицина ва ветеринария ўқув юртлари, илмий текшириш институтларидан қоюнлар биологик объект сифатида фойдаланилади. Улардан турли биологик препаратлар, жумладан турли вакциналар (оқсилга, ўлаттга) тайёрланади.

Ишлаб чиқариш йўналашига қараб қуёнчилик икки гурухга бўлинади, яъни гўшт ва терига бўлинади. Гўшт йўналишида қуён болалари 60-70 кунликда, гўшт, тери йўналишида эса 3-4 ойлигига сўйилади. Ҳар бир она қуёндан ийл давомида 6-7 марта бола олиш мумкин. Бу эса 80-90 кг гўшт, 30-40 дона сифатли тери демакдир. Қуёнлардан гўшт ва теридан ташқари момик ҳам олинади. Қуён момиги ингичкалиги, пишиклиги, иссиқликни ўтказиш бўйича майин жунли қўйларнинг жунидан қолишмайди. 1 кг қуён момигидан жуда кўп микдорда бош кийимини тайёрлаш мумкин.

Қуён мўйнаси енгил чиройли ва арzon бўлганлиги учун ундан болалар қишки кийими, қулоқчин, ёқа, пояфзал тайёрланади.

## ■ I ҚҮЁНЛАРНИҢ БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Қуён үзининг бир қанча биологик хусусиятларига күра бошқа қишлоқ ҳұжалик ҳайвонларидан фарқ қилади. Бинобарин уларнинг бу хусусиятларини тұғри тушуниб олиш ва уларга риоя килиш сифатли қуён гүшти ишлаб чиқаришда мұхим омил ҳисобланади. Маҳсулдорлиги, зоти ва үзининг хусусиятидан келиб чиқиб тұғри озиқлантириш, яхши гигиеник мөъёрларга амал қилинса, она қуён 6-12 айрим ҳолларда 16-19 тагача бола беради. Она қуёнларда бұғозлик даври 28-30 кун, баъзан 32 кунга чұзилиши мүмкін. Тұғилған қуён болалари 40-90 грамм тирик вазнга эга бўлади. Сут бериш даври 2 ойдан ошиқроқ бўлади. 20 кунгача серсүт бўлади 30 кундан кейин сут бериш пасаяди.

4 ойлигига она вазнининг 85 фоизга, 6 ойлигига она вазнининг 87 фоизга эга бўлади, 8 ойлигига тўлиқ ўсишдан тўхтайди.




Янги туғилған қүён болалари 16 та сут тишига эга бўлади. 5-7 кундан кейин усти момик (юнг) билан қопланади, 10-14 кун ичидаги эса кўзи очилади. 17-21 кундан кейин эса туғилған жойидан ташқарига чиқиб, турли озуқаларни ея бошлайди.

Тажрибалардан, уларнинг 1 г семириши учун 2 г она сути кифоя қилиши аниқланган.

Қуёnlарнинг сут тишлари 18 кундан кейин тушиб, 20-28 кундан кейин доимий озиқтишлар билан алмашинади. Устки жағда 16 та, остки жағда 12 та, жами 28 та тишга эга бўлади.

Қуёnlарнинг ўрта вазнdagилари 3 ойлигидан, йирик вазнdagилари 4 ойлигидан жинсий етилади.

**Қуёnlарнинг озуқа ҳазм бўлиш тизими.** Қуёnlар ошқозони бир бўлимли ҳайвонлар ичидаги ҳажмдор озуқаларни яхшироқ ҳазм қиласидар. Қуёnlарни ошқозони ҳеч вақт бўш бўлмайди, ошқозонининг камидаги озимаси озуқа билан тўла бўлади. Қуёnlар тез-тез ҳар сафар 1,5-2 минут давомида 1 кунда 70-80 марта озиқланади. Майдалаб чайналган озиқ массаси сўлак билан (сўлак таркибида амилаза ферменти бор) аралашиб ошқозонга келиб тушади.



## I ҚҮЁНЛАР УЧУН ЗООГИГИЕНИК ТАЛАБЛАР

Ўзбекистон шароитида асосий ва құшимча тармок сифатида янги ташкил әтилган агрофирмалар, күп тармоқли фермер хўжаликларида қуёнлар сақланадиган катаклар ораси 2-2,5 см, ўтиш йўлаги катаклар эса 1 қаватли бўлиши керак. Инвентарь ва ҳар кунлик озуқа заҳираси учун 8-10 ўлчамдаги жой бинонинг ўртасида бўлгани маъкул ҳисобланади.

Қуёнхона учун 2 табақали дераза, устки қисмига дарча қўйиб кетиш керак. Бинони яхши шамоллатиш керак. Дераза полдан 1,20 м баландликда қўйилиши керак. Шифти 2,8 см гача бўлади. Деворлар ранги оқ



бұлиши керак, бунинг учун оқак ишлатилиши керак. Қүёнхона учун кириш дарвозаси 1,2 м ва 1,5 м үлчамда ташқарига очиладиган ҳолатда ұрнатиласы. Ходимлар учун кириш эшиги 0,8 м құйилады. Қүёнхона үлчамлари 12x2,4 м, бинога 3800 бөш она қүёнлар, 12 минг бөш ёш наслли қүёнлар ва 25 минг бөш бүрдоқига боқиладиган ёш қүёнлар жойлаштирилады.

Қүёнхона қурилиши учун намликка чидамли, яғни сув шиммайдиган, мөғорлаб кетмайдиган қурилиш хомашёсидан фойдаланилади.

Бир она қүён учун 3,3 – 3,5 м<sup>3</sup>, ёш қүён учун 0,55 – 0,60 м<sup>3</sup> жой ташкил этилады.

Қүён охурлари эни 8–10 см, баландлығи 15 см гача, озиқланиш фронти 6 см бұлады. Она қүён туғруқхонаси ташқарига ұрнатиласы.

Сувдони эса охурдан 10 см юқоригоқ қўйилиши керак. Чунки, уларда моддалар алмашинуви жадал кечади. Шунинг учун тоза сув доимо бұлиши керак. Озуқа охуридан пастда бўлса, у тез ифлосланади. Қүёнлар учун хаво алмашишини соатига 4 м<sup>3</sup>, ёзда ва қишида 0,5; баҳор ва кузда 1,5 м<sup>3</sup>/соатига бўлишини таъминлаш тавсия этилади.

Тұшама сифатида энг яхиси дараҳт қириндиси бўлиб, у иссиқликни сақлаш кўрсаткичи 100 фоизга тенг, хашаклар 84%, сомон 79%га тенг. Бир бөш қүён учун бир йилга 3 кг тұшама сарфланади. Имкон даражасида сомондан тұшама сифатида фойдаланмаслик керак. Намлик 40-70%, шамол төзлиги бино ичидә 0,3 м/с, карбонад ангидрид 10 мт/м<sup>3</sup> бўлиши керак ва қүёнларда ҳароратни сезиш (гомойотермия) 30-45 кунда ривожланади.

Еш қүёнлар учун ҳарорат 25 °C дан паст бўлса совук ҳисобланади.

Ҳарорат 10 °C дан совуқ бұлса үсиши 16,6 фоизга, тұғилган қүёнларда яшаш имкониятлари 6,3 фоизга пасаяди, 10 °C ҳароратда озуқалар истеъмол қилиш 33 % ортади, шуни ҳисобға олиб қиши, куз ва баҳор ойларига ҳарорат 15-20 °C бўлиши шарт, ёз ойида 25 °C дан ошмаслиги керак. Намлик 70-75% бўлиши керак.

## Қуёnlарни қочириш гигиенаси

Она қуёnlарни йилнинг 4 фаслида ҳам қочириш мумкин. Лекин, куннинг қисқариш давларидан ва куз ойларидан жуда қийинчилек билан уруғлантирилади. Уларни 30-45 кунлик боласидан ажратилган пайтда уруғлантириш яхши натижа беради. Сифатли насл олиш учун уларни 4-6 кун мобайніда қўшиш яхши натижа беради. Ёз пайтларидан эрталаб ва кечқурун, қиши пайтларда эса кундузи ҳаво ҳарорати юқори бўлган пайтда уруғлантириш керак. Уларнинг куйга келиши 1-2 кунни ташкил этади. Агар қочмаса 8-9 кунда яна куйга келади.

## Туғиш ва қуёnlарни парвариш гигиенаси

Она қуён туғишига 5-6 кун қолганда она қуён учун туғиш қутиси ва қути ичига юмшоқ тұқима қўйилади.

Туғиши 3-4 кун қолганда она қуён үзига жой тайёрлашни бошлайди. Туғиши билан уячасидаги тұшамани алмаштиради ва күкрак, қорни атрофидаги жунидан юлиб тұшама тайёрлайди ва она қуён қоронғи жойни танлайди.

Тұғиши пайтида уячалар устига инфрақизил чироқ ұрнатиш тавсия этилади.

Она қүён туққанидан сұнг туғруқхоналар назорат қилиниб үлік туғилған қүёнча олиб ташланади ва болалар сони саналиб, хонаси совуқ бўлса уни иситиш керак бўлади.

Айрим она қүёнлар ўз боласини еб қўяди. Бунинг сабабини аниқлаш керак ва сұнгра бу она қүёндандан насл олиш тұхтатилади. Қүёнчилик фермаларида она қүён туққандан сұнг ёки 1-3 кун фарқи билан туғилған қүёнларни бола сонига кўра тенгглаштириш керак бўлади. Масалан: бирида 6 та туғилди, иккинчисида 10 та ёки она қүён боласига қарамай қўйса, уларни бошқа она қүёнга қўшилади. Бунинг учун қўлни яхшилаб совунда ювив, она қүённи 20-30 минут жойидан бошқа жойга үтказиб турилади. Сұнгра эски тұшамасидан жунини олиб ташлаб қўшиладиган болаларни уйидаги жуни билан алмаштириллади. Она қүён туғиб бўлғандан сұнг катаги олдидаги тахтачага туқкан санаси, тирик ва үлік туғилған қүёнчалар сони ёзиб қўйилади.



Қүёнчалар онасидан мавсумға ва маҳсулот йұналишига қараб 40-45 кунда ажратиласы. Ажратылғанда жинсига ва тирик вазниға қараб ҳар 10 та қүёнча учун 1 м<sup>2</sup> жой ҳисобида алоҳида катақларға олинади.

З ойлигіда урғочилари 2-3 бошдан бир катақда сақланиши мүмкін. З ойлик әркак қүёнлар бир бошдан тақсимланади.

## ■ | ҚҮЁН ЗОТЛАРИ

Маҳсулот етиштирилишига күра қүёнлар серпушт, гүшт ва мүйна етиштирилдігін зотларға бўлинади. Бундан ташқари мўйнасининг ўсиқлигига кўра ўртача, узун ва калта тивитли гурухларга бўлинади. Ҳозирги вақтда 60 дан ортиқ қүён зотлари боқиласы.

**Шиншилла.** Шиншилла зотининг келиб чиқиши тўғрисида тўлик маълумот йўқ. Юнгининг ранги Жанубий



Америкада яшовчи кемирувчи ҳайвонга үхشاши туфайли шу номда аталади. Шиншилла 1927 йилда Германиядан Россияга, сунгра Ўзбекистонга олиб келиниб, йирик ва майдаларга ажратилди. Кейинчалик майда шиншилла кенг тарқалди.

Танаси баланд, суяқдор, калласининг катталиги ўртача, қулоги тұғри, танасининг массаси ўртача 5 кг, құкрак айланаси 38 см, бир марта болалаганда 8-9 тагача бола беради. Оналик инстинкти яхши ривожланган.

Шиншилла турли иқлим худудларига мослашган, жетчанлиги юқори. Танасининг ўртача оғирлиги 5 кг, тана үзүнлиги 62-70 см, құкрак айлаиаси 38 см. Бу зот тез етилиши ва турли иқлим худудларига мослашувчанлиги сабабли Ўзбекистонда ҳам бу зот вакилларини күплөб учратиш мүмкін.

**Фландр зоти.** Бу зот Бельгияда яратылған булиб, 1928 йили Россияга келтирилиб, Үрта Осиё худудларига тарқатылған. Кулранг, тұқ кулранг ва қора. Танаси узун, скелети мустаҳкам, вазни 5 кг, серпуштлиги ўртача.




Inv № 6р 33393.

**Белка зоти.** Бу зот 1916 йили Германияда яратилган бўлиб, бир туғишида олтита болалайди. Вазни 3,5-4 кг мўйнаси унча сифатли эмас. Кулранг ва ҳаворанглилари учрайди. Корин қисми очроқ рангли жун билан қопланган.



**Кумушсимон зот.** Териси кумушдек товланиб туради. Танаси унча узун эмас, лекин, тез семиради. Гушт берадиган зотларга ўхшаб кетади. Танасининг массаси ўртача 4,5 кг, кўкрак айланси 36 см, тана узунлиги 57 см. Кумушсимон зот куёnlарнинг болалари туғилганда қора рангли бўлади. 12-14 кундан кейин кумушсимон ранг ҳосил бўла бошлайди. 4 ойлигидаги аниқ кумушсимон ранг ҳосил бўлади, бу зотдаги куёnlар ўртача 8 тадан бола беради. Бу зотнинг вакиллари асосан йирик бўлади. У 1952 йили Украинада яратилган. Ранги кумуш ранг, баъзан ҳаво ранг.



Усиқ жунлари қора дағал туклари ичидә оқ рангилари учрайди. Тивити ҳаворанг, унинг остки қисми очроқ буледи. Болалари туғилганда ҳаворангда бұлади. Улар 7-8 дәнекердің бүлганида йирик вакилларининг рангиға киради. Вазни ўртача 4,7 кг. Танаси 60 см, күкраптасы 37 см. Унинг тез етилувчанлиги билан бошқа зотлардан ажралиб туради, Белорусияда күпайтирилади.

**Кулранг йирик зот.** Қүёнларнинг бу зоти 1952 йили яратылған. Зот фландр қүёнларининг маҳаллий қүёнлар билан чатишириш натижасыда яратылған. Уларнинг дурагай вакиллари йирик, вазни 4,5-6,5 кг. Танасининг узунлиғи 56-66 см. Күкраптасының катталиғи 37-39 см. Ранги түрли кипде бұлади, асосан кулранг рангли күп учрайди. Оч валық кулранг вакиллари ҳам күп учраб туради. Қорин қисми оскларининг ички томони оқ, танаси баъзан кулранг малла

бұлади. Тивит толаларининг остки қисми ҳаворанг, уч қисми очрок ранда бұлади. Қуёнларнинг зоти яратылғанлығында унча құп вақт бұлмаганлығы учун уларнинг ичидә баъзан тим қора ёки оқлари ҳам учраб туради.

Урғочилари серпушт бұлиб үз болаларини яхши эмизади ва парваришлийди. Болалари тез үсіб үлғаяди ва семиради. Масалан иккі ойлик болаларининг оғирлигі 1,7 кг уч ойликлари 2 кг, тұрт ойликлари 3 кг ва ундан күпроқ вазнға эга.

Йирик вакилларининг гүшти үртача 3-3,5 кг ни ташкил қиласы. Гүшти асосан танасининг 60-61 фоизига яқынлашади. Мұйнасининг катталиги 2500-2700 см квадрат, айрим йирик қуёнларники эса 3000 см квадрат ва ундан каттароқ бұлади.

Шуни айтиш керакки, бу зот вакиллари асосан турли хилдаги касалликларга анчагина чидамли ҳисобланади.



**Оқ рангли йирик зот.** Номига кўра оқ рангли йирик вазни қуёнлар ҳисобланади. Бу зот XIX асрда Бельгия ва Германияда яратилган. Хўжаликларда танлаш саралаш ва наслчилик ишларининг ҳар томонлама яхши олиб борилиши натижасида бу зот қуёнларнинг серпуштлиги оширилди, болаларининг ҳаётчанлиги яхшиланди.

Бу зот қуёнларнинг мўйнаси зич ва майин кўзлари қизиғиш ёки пуштиранг, танаси йирик узунроқ. Тирик вазни 6,3-6,4 кг га етади. Танасининг узунлиги 55-65 см, кўкрак айланаси 36-38 см. Мўйнаси узун. Ранги оқ бўлганлиги учун турли рангларга бўяш мумкин.

Ургочилари бир туғишда етти-саккизтадан болалайди. Бу зот үзининг тез етилувчанилиги билан бошқа зот қуёнларидан аввалиб туради. Болаларнинг суткалик семиришининг көнори кўрсаткичи тўрт-беш ойлик қуёнларникига teng



келади. Икки ойлик болаларининг вазни 1,5 кг, уч ойлиги 2 кг ва тўрт ойлигига 2,6 кг ни ташкил қиласди.

Оқ рангли йирик зотли қуёнлар асосан табиий йўл билан кўпайтирилади. Айрим ҳолларда улардан зотлараро чатиштириш ишларида фойдаланиш мумкин.

**Капалак зоти.** Бу зот 1887 йили Англияда яратилган. Танаси оқ, танасининг икки томонида симметрик қора доғлар бўлади. Айрим вакилларининг танасидаги доғлар жигарранг, кулранг бўлиши кузатилади. Бу зот кўпроқ Ўзбекистон, МДҲ ва Европа давлатларида боқилади. Вазни ўртacha 4,3 кг, танаси 35 см, кўкрак айлананси 36 см. Капалак зоти ҳар тукқанида ўрта ҳисобда 8 тадан болалайди. Серсут ва болаларини яхши парваришлайди. Бу гурӯҳ ёки йўналишни ташкил қилувчи қуёнларнинг мўйнаси қуюқ, қалин, жун толалари калта бўлади. Дағал жун толалари юқорида кўрсатилган қуён зотлариникига нисбатан икки маротаба калта ва нозикроқдир.



## Гүшт йұналишидаги қүён зотлари

**Янги Зеландия оқ қүёни.** 1910 йилда АҚШда яратилған.

Гүшт йұналишидаги оқ рангисини келтириб чатиширишда айвало қызил рангли альбинос ҳайвонлар танланади, сараланади ва олинган янги наслларни етилувчанлиғи, гүштдорлик белгилари, сүйим чиқими, сүйим оғирлиғи ва гүшт сифати каби құрсақтылары бүйиича сараланиб "үз ичіда" урчитилади. Қисман Фландр зотининг қони қүшилади.


Янги Зеландия оқ қүёни АҚШда жуда кенг тарқалған. 1950-шіллардан бошлаб ғарбий Европа мамлакатларида, Осиё ва Марказий Осиё худудларида 1971 йилдан бошлаб тарқалды ва иқлимлаштирилди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда да бар болып келеди.

У мустаҳкам конституцияли, баъзан ингичка ва пишиқ сүйемли булиши билан фарқ қиласы. Гавдаси унча узун



эмас (47-50 см). Тұлишганлик индекси 63 фоиздан зиёд, күкраги чуқур, кенг, орқаси әнли, сағриси ёйик, мускуллари тұлишган. Вояга етганлари вазни 4,5-5 кг гача, туғилғанда боласи одатда 45 г атрофика майда туғилса-да, үсиш тезлиги юқориилигидан 2 ойлигіда 1,8-2,2 кг, 3 ойлигіда 2,7-3 кг га етади. 1 кг құшимча үсишига 3-5 кг озуқа бирлиги сарфлайды. Бу зотдан асосий маҳсулот сифатида ғүшт олиниб, құшимча тери олинади. Сүйим чиқими 52-58%, гавда ғүшти чиқими 77,5 фоизгача. Серсұтлиги ва серпуштлиги (7-12) билан фарқ қиласы. Саноат усулида бошқа зотлар билан чатишириш яхши натижа беради.

**Калифорния.** Бу зот ғүшт йұналишидаги катталиғи үртача, оқ рангли, фақат қулоқ учыда, баъзан түмшук, оёқ кафтлари ва дум учыда қорамтири – жигар рангли белгилар учрайди. АҚШда Яңғы Зеландия оқ, рус чипор, йирик шиншилла зотларини мураккаб чатишириш ва олинған охирги наслнинг “ұз ичида” чатишириш натижасида яратылған.



Унда Янги Зеландия оқ зотини тез етилувчанлик, гүштдорлик белгиси, рус чипор зотдаги тери, жун юппламининг тифизлик хусусиятлари мужассамланган. Конституцияси мустаҳкам, баъзан суюги нозик, гүштдор, тулишган. Вазни 4-5 кг. Туғилганда ўртача 45 г, 2 ойликда 1,9-2,3 кг, 3 ойликда 2,7-3,4 кг ва 5 ойликда 4,2 кг. Шундан сўнг үсиш сусайиб, харажат зиёд бўлади. Сўйим чиқими 50-60%, гавда гўшида эт чиқими 82-85%, суюқда эса 13-15% бўлади, ёғ 1,8-1,5%, серпуштлиги ўртача 8 бош, туғилганда туниқ оқ бўлиб, қорамтири белгилар пайдо бўлади, рус чипор зотига ўхшаш. 1971 йилда Англия, Венгриядан келтирилган. Украина, Россия, Ўзбекистонда ҳам кенг тарқалган.

Ҳар иккала гўштдор зотлар бармоқ ораси ва кафтида жун юпплами бўлиб, тур симли қафасларда асрашга мослашган.

## **■ I ҚҮЁНЛАРНИ СЕРПУШТЛИГИ ВА ЖИНСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Қуёнчаларнинг тез етилиши кўп жиҳатдан зотларига бўлиқ. Албатта, қуёнчаларнинг индивидуал хусусиятларини, бокиш ва саклаш шароитини ҳам ҳисобга олиш керак. Уй қуёнлари 5-7 йил, айрим ҳолларда 12 йилгacha яшайдилар. Ҳўжаликда уларни ўртача 3 йил, айримларини 4-5 йил сақлаб фойдаланиш мумкин. Кейинчалик қуёнларнинг маъсулдорлиги пасайиб кетади, ҳўжаликка кам даромад келтиради.

Хонаки қуёнлар жинсий жиҳатдан тез етилади. Шунинг учун 2-2,5 ойлигига эркак ва урғочисини алоҳида-алоҳида гуруҳга ажратиш керак. Уларда ташқи жинсий деморфизм бўлмаганлиги учун қуёнларни ётқизиб орқа чиқарув тешиги олдидағи жинсий органи кўрилади ва аниқланади.

Қуёнларнинг жинсий вояга етишида зоти муҳим аҳамиятга эга. Масалан, унча йирик бўлмаган зотлар 3-3,5 ойда жинсий вояга етса, йирик зотлар 3,5-4 ойлик бўлгандан жинсий вояга етади. Қуёнлардан бола олиш учун уларни 105 кунлигидан бошлаб уруғлантириш мумкин. Эркак қуёнлардан 8 ойлик бўлганидагина наслчилик ишларида фойдаланилади. Қуёнларни ёш (эрта) қочириш уларнинг сифат белгилари пасайишига сабаб бўлса, аксинча кеч (9-10 ойлигига) қочириш жинсий йўллари ёғ босиб қолади), қочмай қолишига сабаб бўлади. Шунинг учун наслчилик ишларида қуёнларнинг ҳар қайси зотларининг хусусиятлари алоҳида эътиборга олиниши керак.

## Қуён болалари

Қуёнчалар туғилганда уларнинг вазни 30 г. дан 120 г. гача бўлиши мумкин. Туғилганидан кейин тез ўса бошлайдилар 6 кунда вазни 2 марта, 10 кунда 3 марта, 20 кунда дастлабки вазнига нисбатан 5-6 марта, 30 кунда эса 9-10 марта ортиши



кузатилган. Қүёнчалар асосан 4 ойгача интенсив үсадилар. Масалан, М.Ф. Деминанинг кўрсатишича, қўёнчалар 4 ойлигидага жотта қўёнлар тана узунлигининг 86 фоизини, вазнига 81-87 фоизини ташкил этади. Қўёнчалар 8-10 ойлик бўлганида ўсишдан тўхтайди.

Ниги туғилган уй қўёнларининг болалари 16 та суттишига эга бўлади. 5-7 кундан кейин усти момик (юнг) билан қопланади, 10-14 кун ичида эса кўзи очилади. 17-21 кундан кейин туғилган жойидан ташқарига чиқиб, турли озукдарни ея бошлайди, Унгача қўёнчалар фақат она сути билан озиқланадилар. Олимлар тажрибаларида, унинг 1 г семириши учун 2 г. она сути сарфланишини аниқладилар.

Қўёнларнинг суттишилари 18 кундан кейин тушиб, 20-28 кундан кейин доимий озиқтишлар билан алмашинади. Устки жада 16 та, остки жада 12 та, жами 28 та тишига эга бўлади. Олдинги курактишлари билан озиқтишларининг ораси очиқ бўлади. Тишлар кемирувчилар туркумига хос бўлган доимий ўсувчи тишлардир. Чунки тишнинг олдинги қисми киттиң ималь билан қопланган бўлиб, кам емирилади, орқа қисми эса тез емирилиши туфайли тиши доимо ўткирлашиб туради. Шунинг учун бўлса керак, қўёнлар табиий равишда кемиришга эҳтиёж сезиб туради. Шу сабабли катакларни бутун сақлаш учун узунлиги 30-40 сантиметрли дараҳт шоҳчаларидан солиб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Қўёнчалар 30 кундан кейин онасиз яшай оладилар, бироқ уларни 45-60 кундан кейин онасидан ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Қўёнчаларни бу муддатдан эрта ажратиш уларнинг кейинги ўсишларига салбий таъсир этади.

45-60 кунда ажратилган қўёнчалар тез ўсиб етилади. Қўёнчалар онасидан турли усулларда ажратилади:

1. Қуёнчаларни онасидан бирданига ажратиш.
2. Қуёнчаларни онасидан даврий равишда ажратиш, яъни бир икки кун оралатиб эмизиб, ажратиш.
3. Қуёнчаларни онасидан аста-секин ажратиш. Бунда яхши ривожланган семиз қуёнчалар онасидан биринчи ажратилиб, ориқлари эса энг охирида ажратилади.

Охириги усул қуёнбоқарлар орасида кенг тақалгандир. У энг оқилона усул бўлиб, бунда қуённинг сут безлари аста-секин ўз фаолиятини тұхтата боради ва нимжон қуёнчаларнинг тезроқ етилишига сабаб бўлади. Она қуённинг сути энг тўйимли сут сирасига киради, чунки унинг таркибида 10% ёғ, 10-15% оқсил бор. Қуён сутининг кимёвий таркиби фаслга қараб ўзгариши мумкин. Қуёнларда сут безларининг сони 8-10 тагача бўлади. Оғиз сути уларда 23 кунгача давом этиб, кимёвий хусусияти жиҳатидан ўзига хосдир.

## Қуёнларнинг жинсий хусусиятлари

Қуёнлар бошқа қишлоқхўжалик ҳайвонларидан шубилан фарқ қиласдики, улар йил давомида бола бераверади. Кеч кузда жинсий фаоллиги бироз пасаяди. Уларни қочиришдан олдин ота-она қуёнлар танланади. Октябрь, ноябрь ойларида эркак қуёнларнинг семизлиги аниқланади. Эркак қуён ўртача семизликда бўлиши керак. Агар эркак қуён ориқ бўлса, кўшимча озуқа бериб семиртирилади. Бироқ ортиқа семиртириб юбориш ҳам маъқул эмас, чунки бунда қуённинг жинсий фаоллиги пасаяди, (куёнларни ҳозирги кунда сунъий уруғлантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади).

Урғочи қуённи икки марта кетма-кет 10-20 дақиқа вақт орасида уруғлантириш мақсадга мувофиқ. Қочириш

үнүн эрталаб ва кечки салқын пайтлар энг қулай фурсат  
исобланади. Битта эркак қуён билан иккита она қүённи  
бир кунда қочириш мақсадга мувофиқдир. Бунда эркак қуён  
өрикмайди.

Куннинг ҳаддан ташқари иссик ёки совук булиши  
қүёнларнинг жинсий фаоллигини пасайтириб юборади.  
Қочириб бұлғандан кейин катакка үрнатилған сатхі 15-20  
санитиметрли фанер таhtaчага қүённинг қочирилған куни ва  
эркак қуённинг картотекадаги номери ёзіб қўйилади.

Она қуён биринчи марта қочирилғандан кейин  
5 күн үтгач, иккинчи марта назорат қочириш үтказилади.  
Алар она қуён қочган бұлса, эркак қуённи үзига  
жинлаштирумайди.

Лирик ҳолларда она қүёнлар орасида «сохта бұғозлик»  
жопати ҳам учрайди. Бу давр унда 17 кун давом этиб, қорин  
төмөннидеги юнгларини юлиб, болалаш учун жой ҳозирлайды,  
лекин 12 кундан кейин оналик инстинкті сұнади.



Қүённинг уруғланган тухум хужайраси түрт кундан кейин бачадонга тушиб, бұғозликнинг саккизинчи куни бачадон деворига туташади. 12-15 кундан кейин қүённинг бұғозлигини құл билан ушлаб билиш мүмкін. Бунинг учун қүённинг калласи столнинг устида текширувчига қаратилиб, үңг құл билан қүённи елкасидан ушлаб, чап құл билан қүён қорнининг остки томони секин ушлаб күрилади. Бунда гилос катталигидаги узунроқ шаклларнинг бир нечтасини сезиш мүмкін.

Қүёнларда бұғозликнинг иккінчи даврида (16-25 кунлар) ҳомила жуда тез үсади. Масалан, 20 кунлик ҳар бир ҳомила 23 г, бола берадиган қүёнларда ҳомиладорлик 28-29 кунни ташкил этади, кам бола берадиганларда эса 31-32 кунни ташкил этади. Хуллас, ҳомиладорлик даврининг узоқлиги күп бола бериш билан тескари пропорционалдир.

Она қүённи бұғозлик даврида қимматли озуқалар билан боқиб, әхтиёт қилиб сақлаш керак. Бу соғлом бола



олишнинг гаровидир. Бўғоз қуённи жуда зарур бўлиб  
 колган ҳоллардагина бир қўл билан елкасидан, иккинчи қўл  
 билан эса қорнидан ушлаб кўтариш мумкин. Ҳомиладорлик  
 даврида қуёнлар безовта қилинмаслиги керак. Агар  
 ҳомиладор қуёнлар кўрқитилса ёки яшаш шароити кескин  
 ўзгартирилса, уларда оналик инстинкти кескин пасайиб  
 олади. Бундай қуёнлар ҳатто болаларини эмизмай қўяди.

Қуён болаларини 45-60 кунлик даврида онасидан  
 ажратиш мақсадга мувофиқдир. Она қуёнлар бир кечада  
 кундузда 100-180 г, баъзан 200-270 г микдорда сут ажратади.  
 Ҳарорати 15-25 °C бўлганда қуёнлар ўз танасидан  
 ортиқча иссиқлик ажратмаслиги, ҳарорат пасайганда  
 истоъмол қилинган озуқа энергиясини бир қисмини танадан  
 иссиқлик чиқаришга сарфлаши аниқланган. Нафас олиши  
 жонинг салқин кунларида дақиқаси 50-60 марта ни ташкил  
 этса, ҳарорат 35 °C дан ошиши билан нафас олиш тезлиги  
 дақиқасига 280-282 марта га ошади. Қуёнлар барча биологик  
 ташки мухитнинг кўплаб таъсирлари (шовқин, иссиқлик,  
 ջонуқлик, шамол, озуқага бўлган талаби) юқори бўлади.

Шунингдек, қуён маҳсулотлари сонини ошириш ва  
 ахолини иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида  
 қуён боқишига қизиқиши бўлган хонадонларга касаначилик  
 асосида қуён боқиши ускуналари ва зарур ҳолларда озуқасини  
 отказиб бериш ва этиштирилган маҳсулотларни қайта сотиб  
 олиш борасидаги ишлар ташкил этилмоқда.

**Күёнчилик фермасини:**

- автомобиль ва темир йўллардан камида 100-500 метр узоқлиқда;
- сабзавот ва меваларни сақлаш омборлари ҳамда  
 уларни қайта ишлаш корхоналари жойлашган манзиллардан  
 100-200 метр узоқлиқда;

• ер ости сувлари, ботқоқ, дарё, кўл ва бошқа сунъ ҳавзаларидан ҳоли қуруқ ва текис бўлган ер майдонларидан жойлаштириш лозим.

Шунингдек, сув ва электр энергия билан узлуксида таъминланган манзилларда жойлаштириш лозим.

Қуён турли об-ҳаво шароитига тез мосланувчан озиқларни яхши истеъмол қилувчи ҳайвонлардан ҳисобланади. Ҳозир республикамизнинг деярли кўпгина вилоят ва туманларида қуёнчиликни ривожлантириш учун барча шароитлар мавжуд.

Қуёнларни ем-хашак билан тўла таъминлаш учун турли озуқалар (беда, маккажӯхори, лавлаги, сабзи ва кўкўт) етарли даражада бўлиши лозим. Ҳонадонларда кўпроқ қуёнларнинг турт хили – шиншилла, ҳаворанг великан, қора ва оқ великан деб номланувчи зотлари кўпайтирилмоқда.



кунлари бўғоз қуёнларга кунига 95 граммдан дон, 45 грамм кунжара ёки ёрма дон, 385 грамм турли кўкат шунчалири, шунингдек, минерал моддалардан 2 грамм бўр шунча ош тузи берилади. Туғиши яқинлашиб қолган рационида беда миқдори озайтирилгани ҳолида дон миқдори кўпайтирилади. Бўғоз қуёнларнинг туғишига яқин сувга бўлган талаби кучаяди, бинобарин улар тоза сув билан мунтазам таъминланиб турилади.

Бўғоз ва янги туқсан қуёнлар суткасига уч-беш марта озиқлантирилади. Айниқса, кўп туқсан қуёнлар рационига кўшимча тарзда 0,5 кг сўлитилган беда, 120 грамм кунжара шунча дон қўшиб берилади.

Қуёнлар асосан тунда туғади, бу вақтда қуён болаларининг танаси туксиз, кўзлари юмуқ ва нимжон бўлади. Улар кўзи туғилганидан кейин орадан ўн кун ўтгач очилади. Шунга қадар уларнинг асосий озиғи она сути ҳисобланади. Улар 18-20 кунгacha она сути билан озиқланади. 20 кунлик қуён болалари маълум даражада турли хилдаги озуқалар билан оз-оздан озиқланади. Улар бир ойлик бўлганида ўз оналаридан ажратиб олиниб, алоҳида боқилади.

Бурдоқига (гўштга) боқиш якунловчи давр ҳисобланади. Бунда уларнинг вазни 2,8 кг га етгунича ўрта ҳисобда 4 ой боқилади. Улар суткасига тўрт марта озиқлантирилади. Қуёнлар сўйилишига 12 соат қолганида уларга озуқа бериш тутатилади.

## I ҚҮЁНЛАРНИ ЗАМОНАВИЙ БИНОЛАР, КАТАКЛАРДА САҚЛАШ УСУЛЛАРИ

Күёнчилик фермалари куриладиган жойлар баланд, ёмғир-қор сувлари оқиб кирмайдиган жойлардан танланиши лозим. Ферма атрофи шамолдан сақтайдиган 2 м баландлықдаги девор билан ұралиб, дараҳтлар әкілади. Кириш-чиқыш учун битта дарвоза қилиниб, дезбарьер билан жиҳозланади, дезомат қилинади ва ветеринария-санитария кузатув пункти қурилади. Ферма худудида иситиш қурилмаси, канализация, электр тармоғи, водопровод бұлади. Күёнчилик фермаси ахоли яшаш жойларидан 300 м узоқлиқда, йирик ихтисослашган фермалар эса 1,5 км узоқлиқда қурилади.

Күён асосан катакларда боқилиб, асосай иш жараёнларида механизацияни кенг жорий этиш соҳанинг самарадорлық даражасини оширади. Күёнчилик фермалари асосан 2 қаторлы катаклар қилиниб, қүёш нурлари ва ёғин-сочиндан сақлаш учун айвон тагига жойлаштирилади.

Күёнлар учун қилинган катаклар узунлиги 120-140 см, кенглиги 65-70 см булиб, катактининг олдин баландлиги 55 см,



орын томони 40 см қилинади. Катаклар орасидан 120-140 см мишикта хизмат қилиш йўли қилинади. Ёш қүёnlар гурӯҳ, ҳолида катакларда сақланади. Катаклар ичиде осиб қуилған сув идиши бўлади. Қүёнхона поли сим тўрдан ёки оралик ериғи 2 см бўлған панжарадан қилинади.

Күёнчилик фермасида асосий бинолардан ташқари қиаматчилар, асбоб-ускуналар учун бино, озуқа цехи, озуқа омбори, сўйиш ва терини шилиш, қуритиш хонаси бўлиши низам. Касалланған қүёнлар учун изолятор қурилиб, у ерда катакларни алоҳида-алоҳида сақлаш учун катаклар бўлади. Катаклар доимо 10 фоизли иссик, ишқор эритмаси ёки фоизли формалин эритмаси билан дезинфекция қилиб турилади. Катакларни металлдан қилинган қисми олов ордамида заарсизлантирилади.

Тұгадиган она қүёнлар учун катаклар механик таъланыб, дезинфекция қилинади, ичи мослаштирилади. Катақ ичига узунлиги 50 см, кенглиги 40 см ва баландлиги 25 сантиметрлик яшикча ұрнатилиб ичига түшама солинади. Катактининг бир деворидан диаметри 25 сантиметрлик тешикча қуилади. Яшик ичига суғориш ва озиқлантириш идишлари түрнапади. Күёнчилик хўжаликларида ёзда катақчалар очик шашда ұрнатилади. Қишида эса маҳсус биноларга кўчирилиб, қуинхона ҳароратини +3 +6 °C да сақлаш лозим.

Гаш қүёнлар катагининг пол ёриқлари 2x2 сантиметрли ғимпамайдиган сим тўрдан қилиниб, ҳар 6-7 кунда түшамаси имаштирилиб турилади. Фермада ўсишдаги қүёнлар гурӯҳ олида узунлиги-2,5 м, кенглиги 1 м, олдиdan баландлиги 60-80 см, ва орқа баландлиги 30-50 см бўлған катакларда сақланади. Қузғатилмайдиган 1-2 үринли катаклар узунлиги 2,4 м, кенглиги 60-75 см, баландлиги 50 см қилиб ёғочдан ки гиштдан қилиниб ердан 80 см баландликда ұрнатилади.

Ички томондан металл түр билан ұраб чиқилади. Катта ёшдаги юнг олиш учун мұлжалланган қүёнлар катақда 1 бошдан сақланиб, ёш қүёнлар эса 3-4 бошдан ёки 14-15 бошдан поли сим түр билан қопланган ёпік хоналарда сақланади.

Қуёнчалар күзи юмуқ туғилиб, күзи 10-11 кунлигиде очилади ва 16-20 кунлигига инидан чиқиб озиқланишни бошлайды. Қиши пайтлари 1 бosh қуёнчага 10-20 грамм дан ұстирилған дон, антибиотиклардан биомицин ёки террамициндан 0,5 мг гача берилади. Антибиотиклар парчаланиб кетмаслиги учун силосга ёки иссиқ озуқага құшиб берилмайды. Қуёнчалар 30 кунлигига, ночорлари 40-50 кунлигига онасидан ажратилади. Агар қуён болалари сони күп бўлса, яхши она қуёнга 8-9 бosh, ёш қуёнларга 5-6 бosh қолдирилиб, қолганлари бошқа әмизадиган қуёнларга ұтказилади. Ұгай она қабул қиласыдан қуёнчалар шу она қуён юнги билан артилиб, кейин боқувчи она қуён чиқиндилари ұртасига қўйилади. Қуёнчалар ва ұгай болалари ёши орасидаги фарқ 3-4 кундан ошмаслиги лозим.

Қуён ғұштини кўпайтириш учун қуёнчиликда бройлер усули ҳам қўлланилади. Бу усулда сақлагандан қуёнчалар 56-60 кунлигига тирик вазни 2 кг га етганда онасидан ажратилади ва жадал боқилади. Ажратилған қуёнчалар 10-20 бosh наслчилик хўжалигига 3-4 бошдан катакларда, ҳар бирига 0,12 ва 0,17 м<sup>2</sup> ҳисобидан жой ажратилиб сақланади. Эркак қуёнлар бичилиши ҳам мумкин. Уч ойлигига эркак қуёнлар 1 бошдан, урғочилари 2 бошдан катақда қолдирилади. Ёш қуёнларни яхши үсиши учун ёз пайтлари ҳар бирига 0,4 м<sup>2</sup> ҳисобидан яйратиш майдони ажратилади.

## Қуёнларни катакларда сақлаш усуллари

Айрим ҳолларда қуёнлар катакларда эмас, балки ер тасасининг бир бурчагида атрофи симтўрлар билан алган ерда боқилади. Маълумки, уй қуёнларининг ёввойи подлари ер қазиб, уя ясадилар ва колония ҳолида ҳаёт курадилар. Шунга кура қуёнлар ерда боқилганда табиийки, орни ковлаб уя қурадилар. Бундай ҳолларда қуёнларни обига олиш, эркак ва урғочиларини бир-биридан ажратиш маҳсулот етиширишни режалаштириш жуда қийин бўлади.

Қуёнлар биологиясидан шу нарса маълумки, уларнинг илхлати юмшоқ бўлиб, кўнгина фойдали моддалар ичак или сурилишга улгурмайди. Қуёнлар эса ана шу ахлатини ётта ейди. Бу ҳол қуёнларни ҳар хил касалликларга тиннишига олиб келиши мумкин. Юқумли касалликлар данига тарқалиб кетишига сабаб бўлади.

Қуёнлар ерда боқилганда улар орасида турли юқумли гельминтоз касалликлари тез тарқалади, бу қуёнларнинг данига қирилиб кетишига сабаб бўлади. Шунинг учун қуёнларни алоҳида-алоҳида тартибда, катакларда килгани энг маъқул усулdir.

Хонадонларда қуён боқиш: қуён маҳсулотлари хажмини ириш ва аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш мисадида қуён боқишга қизиқиши бўлган хонадонларга



касаначилик асосида қүён боқиши ускуналари, зарур ҳолларда озуқасини етказиб бериш ва етиштирилген маҳсулоттарни қайта сотиб олиш борасида ишлар ташкил этилмоктады.

Түрт ойлик йирик зотли қүёнлар яхши боқилганиң 2,5-3 кг гүшт олинади. Шуны айтиш лозимки қүёнчиліккін ривожлантириш учун деярли күп маблағ сарфланмайды сарфлангани тез вакт ичида қопланиб кетади.

Хозирги кунда хұжаликлар шароитида ветеринария-санитария қоидаларига риоя қилған ҳолда қуйидаги уч хил асраш усууллари мавжуд.

рий ва хлор) етишмайди. Шу сабабли у янги туғилган ўз бола-  
лашини ялаб қуритаётганида тўқима суюклигига маҳлиё бўлиб,  
они қуёнини еб қўяди. Бу ҳол она қуёнларни уларнинг бўғозлик  
даврида озуқа рационининг таркибида минерал моддалар-  
нинг етарли бўлишини таъминлаш зарурлигини тақозо этади.

## ■ I ҚУЁН КАСАЛЛИКЛАРИ

### Қуёнларнинг инфекцион касалликлари

**Қуёнларнинг геморрагик касаллиги.** Ушбу касаллик маъсус кучайтирилган вирус билан Австралияда ҳаддан ташқари кўпайиб кетган ёввойи қуён ва кемирувчиларни жада ва оммавий тарзда қириб ташлаш учун яратилган. Касаллик илк бор 1984 йилда Хитой ва Ҳиндистон орқали Владивостокка олиб келинган.

**Клиник белгилари.** Қуённинг заҳарланиши ўта кескин кечадиган бу касаллик, оқибати ўлим билан жуда тез якунланиши боис, унинг клиникасини пайқаб олишнинг имкони деярли йўқ. Гўё соппа-соғдек турган қуёнлар бутун бошли ферма ёки гурӯҳ таркибида қирилиб кетади.



**Ташхис.** Очилган жасадларда шилимшик трахея, бронх үпкаларда қон қуюлган кичик нүқталар, айрим мурдаларнинг ичакларида эса бироз қон қуюлиш аломатлари, ошқонлари емга тұла ҳолда бұлишини кузатиш мүмкін.

**Касалликка қарши кураш чоралари.** 3% ли гидроокс алюминий ва 0,8 фоизли формалинда заифлаштирилган касаллик құзғатувчи вирус штамм Владимир-2000, Раббивак-V қуёнинг геморрагик касаллигига карши вакцина 1 ойли қуёнга бир маротаба 1 мл дозада, тери ёки мускул орасига юборилади. Касаллик құзғатувчисига таъсирланмаслик (иммунитет) қысусияти қуёнда 7 ойга тұлғунга қадар давом этади.

**Миксоматоз** – вирусли касаллик бұлиб, қуён үлими билан яқунланиши деярли 100%. Ушбу касалликка хонаки ва өмөйи қуён таъсирчан бұлиб, құзғатувчи манба сифатида касал ва касалланған қуён хизмат килади.

**Клиник белгилари.** Шилимшиқ қопламининг шамолланаған орқа тешик, жинсий аязо, бosh, қулоқлар шишиб кети-



Касаллик аломатлари

ши билан (“шер башара”) кузатиладиган вирусли касаллик. Бундан ташқари йиринглаган шакллари ҳосил бўлиши ҳам мумкин. Касалликнинг ривожланиши чивин, бурга ва бирлашар мухим роль ўйнайди.

Яширин даври 5-7 кун. Дастреб шапоқ-йирингли конъюктивитни пайқаш мумкин. Қуён киприклари ёпишиб, шапоқ-йирингли оқим пайдо бўлади. Жоноворнинг нафас олиши қийинлашиб, пишиллаб қолади.

**Касалликнинг олиши олиш ва қарши кураш усуллари.** Четдан олиб келинган қуён албатта карантинда сакланиши лозим. Касаллик қўзғалиши билан касалланган қуён дарҳо сўйилиши керак. Гўшти қайнатилиб, умумий тартибда сотилиши мумкин. Эмаётганидан тортиб барча қуёнлар эмланиши керак.

**Чечак.** Бу касаллик юқумли бўлиб вируслар чақиради. У тез тарқалади. Баъзан эса қуёнлар тұдасини бирданиң қирилиб кетишига сабаб бўлади. Чечак касаллиги билан қуёнлар ҳамма ёшида ҳам касалланаверади. Касаллик маңбаи касал қуёндир. Касалликнинг инкубацион даври (юзагчиқиш даври) 2 кундан 20 кунгачадир.

**Клиник белгилари.** Қуён касалланганда конъюктивит, кератит, сўлак оқиши, ринит, лимфатик тугунчаларнинг шишиши каби белгилар кузатилади. Қуённинг тана ҳарорати кўтарилади, нафас олиш дақиқасига 150 мартага, томир уриши эса 250-300 тага етади.

**Ташхис.** Касал қуённинг терисида, асосан қулоғида боши, қорнида, оғиз ва бурун бўшлиғида унча катта бўлмаган қаттиқ бўртмалар ҳосил бўлади, кейинчалик улар ярага айланади. Сўнгра яранинг юзаси қуриб тушиб кетади. Лимфатик тугунларнинг шишиб кетганини қўл билан ушлаб қуриб билиш мумкин.

### **Касалликнинг олдини олиш ва қарши кураш усуллари.**

Нечак касаллиги тез ва оғир ўтганлиги сабабли даволаш шундайлари ҳар доим ҳам яхши натижа беравермайди. Шунингчун бу касаллик учраган вақтда қүёнлар умумий профилактика қилиниши керак. Касал қүёнлар алоҳида сақланиши мумкин. Соғломлари эмланиши, касаллик аниқланган хўжаликда эса карантин ҳолати жорий қилинади.

**Пастереллез.** Касалликни пастерелла гурӯҳига мансуб ўлган бактерия ҳосил қиласди. Бу касаллик юқумли ҳисобланади. Касаллик манбаи касал қўендири. Баъзан, бу касалликни хонаки товуқлар ва ёввойи паррандалар ҳам тарқатиши мумкин. Пастерелла бактерияси қўёнларнинг юқори нафас ўгулида сапрофитлик билан ҳаёт кечиради. Бирор сабабга тара қўенда касалликка қарши иммунитет пасайиб кетса, касаллик ривожланади.

**Клиник белгилари.** Пастереллэз касаллиги қишлоқ хўлилар ҳайвонлари орасида кенг тарқалган. У икки хил: ўтирир ва сурункали шаклда кечади.

Бунда ҳайвон бўшашади, нафас олиши юзаки бўлиб, шаша қийинлашади. Нафас йўлидан йиринг аралаш суюқлик қиласди. Баъзан, қўённи ичи кетиши ҳам мумкин. Тана ҳарорати кам ҳолларда кутарилади. Яхши озиқланмайди, баъзан бутунлай овқат емай қўйиши ҳам мумкин, бир неча ҳафтадан шинин, қўён камқонлиқдан озиб кетади. Организмнинг умумий заҳарланиши туфайли ўлим содир бўлади.

Баъзи ҳолларда касаллик белгилари юқоридагилардан бошқача рўй бериши мумкин. Бунда қўённинг пастерелла билан заҳарланган ерида у кўпайиб, бириктирувчи тўқимани яллиғлантиради, лейкоцитлар тўпланади ва шиш ҳосил бўлади, 1-3 ойдан кейин шиш ёрилади. Ундан қаймоқ рангини йиринг ажралади. Қуённи ҳарорати бир оз кутарилади,

умумий ҳолати эса унча ёмон бўлмайди ва иштаҳаси пасай майди. Яраси аста-секин тузалиб кетади, айрим ҳолларда ҳайвон ўлмай қолиши ҳам мумкин.

### ***Касалликнинг олдини олиш ва қарши кураш усуллари***

Касал қуёnlарни даволашда сульфаниламид, препаратидан норсульфазол, сульфадемизин 0,2-0,3 граммдан ҳар бошга 3-4 кун давомида берилади. Бу дорилардан ёш қуёnlарга 0,1-0,2 г миқдорида бериб турилади. Мускул орасига тетра циклин ва биомициндан укол қилиш ҳам яхши натижа беради. Антибиотикларни қуёnlарга уларнинг ҳар бир кило грамм массасига 20-25 минг бирлиқда 3-4 кун давомида бир мартадан укол қилиш яхши самара беради.

Касаллик сурункали ҳолда кечганида пастереллёзни да волаш қуидагича амалга оширилади: 3 кун сульфаниламид препаратидан, сунгра 3 кун антибиотикдан қуёnnинг мускули орасига юборилади. Касаллик тузалмаса, юқоридаги схема бўйича даволаш курси такрорланади.

**Паратиф.** Паратиф юқумли касаллик бўлиб, уни паратиф гурухига мансуб шартли патоген коли микроб ҳосил қиласди. Бу касаллик даврида қуёnnинг меъда-ичак тизими касалла нади. Касаллик, айниқса ёз ва куз ойларида қўпроқ учрайди. Ҳамма ёшдаги, турли зотга мансуб қуёnlар паратиф билан касалланиши мумкин.

**Клиник белгилари.** Қуён камҳаракат бўлиб қолади, овқат емайди. Энг муҳими ичи кетади. Касаллик ўткир формада кечганида қуён 3-4 кунда ҳалок бўлади. Баъзан касаллик 2-3 ҳафта давом этиши мумкин, лекин барибир ўлим билан туғайди. Бўғоз қуёnlар касалланганда бола ташлайди.

***Касалликнинг олдини олиш ва қарши кураш усуллари.*** Паратиф билан касалланган қуёnlарни даволашда фуразолидондан ҳар бир бош қуёнга 30-40 мг ҳисоби

да 4 кун давомида озиқقا құшиб берилади. Тетрациклиның қуёнчаларга 80-100 мг дан, катталарига 200-300 мг даңын ҳар куни 3 марта қуённинг қон томирига юборилади. Сульфаниламид препаратларидан сульфидин, сульфадемизин каби дорилар ҳам ишлатилиши мүмкін, улар ёш қуёнчаларга 0,1-0,2 граммдан, катталарига 0,4-0,5 грамм даңын озуқага құшиб берилади. Шунингдек, қуёнлар ичади даңын сувға бир неча дона калий перманганат кристалларидан құшиб бериш мүмкін (сув бир оз пушти ранга кирса бұлади).

Касал ҳайвонларнинг озуқаси ҳам яхшиланади, ёзда шиги үрилған сифтли үтлардан берилади. Қишлоғасы сабзи, ошқовок, пичан, лавлаги берилади. Касал ҳайвон тұдадан ажратилиб, фермада профилактика чораларынан алмаға оширилади, катақлар дезинфекция қилинади.

**Сил.** Бу ҳам юқумли касаллықдир. Қуён күпинча қорамолының микроби билан заарланади. Касаллық манбаи касал ҳайвон, унга ишлатиладиган асбоб-ускуналар, ҳаво, түркін, тупроқ ва құқ озуқа кабилардир. Касаллық микроблары касал қуён ахлати, сийдиги, сұлаги ва сути орқали ажралиб шықади.

**Клиник белгилари.** Касаллық үпка ёки ичакда юз бериши мүмкін. Белгилари яққол күринмайды. Қуён үпкаси заараланғанда йұталади, нафас олиши юзаки ва тез-тез бұлади, шаштахаси камаяди, озиб кетади ва олди олинмаса 2-3 ойдан кейин нобуд бұлади.

Қуён ичак сили билан оғриғанда ичи бузилади ва озиб кетади. Касаллықни даволаш мақсадида стрептомицин ва башқа антибиотиклар құлланилиши унинг енгил үтишига сабаб бұлади, бироқ улар микробларни үлдирмайды. Шунинг учун касал қуён сүйиб юборилгани маъқул.

**Касалликнинг олдини олиш ва қарши кураш усуллари**

Касалликнинг олдини олиш учун қўйидаги профилактика чоралар амалга оширилиши керак:

1. Қўён фермаларини қорамол ва паррандачилик фермаларидан узокда куриш.
2. Ҳар бир бош қўённи вақти-вақти билан силга қарши текширувдан ўтказиш.
3. Касал қўённи йўқотиш.
4. Касаллик манбани аниқлаб, тугатиш.
5. Қўён катакларини яхшилаб тозалаш ва асбоб-ускунларни дезинфекция қилиш.

Дезинфекцияловчи модда сифатида 2% ли хлорамин, 5% ли креолин, 3% ли карбон кислота билан 3% ли ишқор эритмасининг аралашмаси ёки 20% ли сўндирилган оҳийи эритмаси ишлатилади.


Вакциналар номлари	Артқыншылдауда	Минималдан	Минималдан			Минималдан	Минималдан
			М-0	1-0	+	+	+
Күёнларнинг миксоматозига қарши В-82 штаммидан тайёрланган куруқ культурал вакцина	+ +	1,0	M-0	1	-	9	9
Коракўзаннинг вирусли энтеритга қарши культурал вакцина	+ +	1,0	M-0	1	-	14	12
Мўйнали хайвонларнинг колибактериоз ва сальмонеллёз касалликларига қарши поливалент вакцина	+ +	3,0-5,0	T-0	2	8-10	10-12	6
Коракўзаннинг туберкулёзига қарши БЦЖ вакцина	+ +	0,02	T-0	1			
Коракўзаннинг пастереллёзига қарши эмульсиян вакцина	+ -	0,5	M-0	1	-	10-15	6
Коракўзаннинг пастереллёз ва ботулизм қасалликларига қарши ассоцияланган вакцина	+ +	1,5	M-0	1	-	14	4-12
Күёнларнинг пастереллёзига қарши экстракт формал вакцина	+ +	1-3	T-0	2	7	5-10	15
Коракўзаннинг ботулизмига қарши вакцина	- +		M-0	1	-	14-21	12
Коракўзаннинг псевдомонозига қарши вакцина	+ +	3,0	M-0	1	-	6	12

**Юқумли шамоллаш – ринит.** Барча қүёнлар орасида кені тарқалған касаллик. Бурундан суюқлик чиқиб, акса урады, олд оёкларида қичима пайдо бұлади. Касал жониворларын сүйиш максадға мувофикдер.



**Стоматит** (“хұл тумшук”) Юқумли касаллик. Одатда 3 ой тұлмаган қүёнчаларда учрайди.

**Клиник белгилари.** Сұлакнинг күп ажралыши оқибатидегін ва күкраклары ифлосланади, иштағалары йүқолиб 5-6 кун касал бұлади.



### Касалликнинг олдини олиш ва қарши кураш усуллари.

Касал қүёнларнинг оғиз бұшлиғини 1-2 % мис сульфат эритроси, калий перманганатнинг (тұқ бинафша рангли кристалл модданинг) 0,1-0,2% эритмаси, фурацилиннинг 1:5000 дозасы билан ювіб тозаланади. Қүёнга юмшоқ майнин емдеудің көзінде касалликтің олдини олишінде күйнекі орнады.

### Қүёнларнинг инвазион касаллиги

**Эймериоз** (кокцидиоз) - қүёнларда, асосан ёш қүёнларда шатырылады. Coccidiidae тұркүмнінг Eimeriidae оиласига мансуб бир хужайрали содда паразитлар – эймерия (кокцидия)лар чақирады. Инвазион касаллик бўлиб, клиник симптомдан касалликда ҳолсизланиш (карахтланиш), кучли, қўйрим ҳолда кон аралаш ич кетиши билан кечади.

Эймериоз (кокцидиоз)лар қүёнчилик хўжаликларига шартта иқтисодий зарар етказади. Бу хўжаликларда қүёнларни кече кундузда тамоман кирилиб кетиш ҳоллари кузатилиши мумкин.

**Клиник белгилари.** Жониворларнинг озиб-тўзиб мифлашиши, ичбуруғ, кампанилик, қорин ҳажмининг ошталасыши, томир торышшиши ва оммавий қиришиши билан тавсифланади. Томир неча турға мансуб содиқ организмларнинг ошқончак тизимидағи шиллик пардалар ва жигарнинг



Эймериоз (кокцидиоз)нинг микроскопдагы күриниши

сафро оқими йўлида йиғилиб қолиши билан юзага келди. Ушбу касаллик йилнинг илиқ ва сернам вақтларида тоғузғалади.

Ёш қуёнчаларнинг иштаҳаси йўқолади, ўсиш ва ривожланиши сустлашади, нажаси қон ва шилимшиқ аралаш чиқди, қорни ва жигари катталашиб кетади. Қуёнларда томони тортишиш, бошини орқага ташлаш, орқа оёқларини чўзиб олд оёқлари билан сузиш ҳаракатларини бажариш ҳоли лари кузатилади. Катта ёшдаги қуёнларда ҳам сурункали кубериб туриши кузатилади.

**Ташхис.** Клиник белгилар, тезак намуналарини Фюллборн усулида ёки ичакнинг яллиғланган қисмидан олинган намунани Дарлинг усули билан текшириб ооцисталарни пишга ва ўзгаришларга асосланади. Ҳўжаликнинг эпизоотия ҳолати, қуёнларнинг ёши, йил мавсуми бўйича маълумотлар ҳам эътиборга олинади.

**Касалликнинг олдини олиш ва қарши кураш усуллари**  
Касалланган қуёнларга имисан 2,5%, ампровет 25% тайинланиб, орада 3 кунлик танаффус билан ҳар бири 5 кундан давом этадиган икки босқичда толтрокс 2,5% билан уйғаштирилади. Таркибида кокцидиостатик моддаси мавжуд, премикслар емга аралаштириб берилганида даволаш самарадорлиги янада ошади.

**Эймериа медиа**нинг ривожланиш босқичи: 1-спорозоит; 2-4 – биринчи ва кейинги генерация шизонтларнинг ривожланиши; 5 – мерозоитлар; 6а – микрогаметаларнинг ривожланиши; 6б – макрогаметаларнинг ривожланиши; 7 – микрогаметалар; 8 – зигота (ооцисталар); 9 – қуён организмидеги чиқкан, спорага уралмаган ооциста; 10-12 – спорогония.

**Фасциолёз.** Касаллик юқсан қуёнларнинг асосан жигари заарланади. Касалликнинг сабабчиси ясси чувалчан-

## 1-китоб


## Қуёнчилик

Мир гуруҳига мансуб бўлган жигар қуртидир. Жигар қуртининг узунлиги 2-3 см, эни 1-1,5 см бўлиб, барг шаклига ҳизаб кетади.

Ботқоқликда ва сув бўйларида ўсадиган ўсимликлар жигар қуртининг личинкаси билан заарланган булиши мумкин. Қуён организмига хашак билан кирган личинка унда қон билан айланиб, жигарга боради. Шунингдек, уларни ўт ўлларида ҳам кўплаб учратиш мумкин.

**Касаллик белгилари** ҳайвон ҳолатининг ёмонлашувида иштаҳаси йўқолишида кўринади. Қуён жигари ташқарилан ушлаб кўрилса, унинг катталашганини пайқаш мумкин. Касалликнинг организмда кечиши, ҳайвоннинг қай даражада заарланганлигига боғлиқ.

**Касалликнинг даволаш усуллари.** Қуёнлар жигар қурти касаллиги билан оғриганда углерод тўрт хлорид препаратидан 0,3-0,4 мл дан қуённи ҳар бир килограммига ҳисоблаб берилади (хашак, ем билан), касалликнинг олдини олиш мөксадида эса қуёнларга ботқоқ суви ва туриб қолган сув-



ларнинг бүйіда үсган күк озуқаларни бермаслик керак.

Касалланған қуён сүйилса, гүштини яхшилаб қайнатып, кейин ишлатилиши керак. Заараланған органлари (жигар, ичак) күйдирілади. Терисини топшириш мүмкін.

**Құтири.** Бу юқумли тери касаллиги бўлиб, касаллик юқсанда қуённи териси кучли қичишади. Касалликнинг құзға тувшиси – құтири каналаридир. Құтири каналари жуда майда ( $0,2\text{--}0,3$  мм) бўлади, эркак құтири канаси урғочисидан кичик роқ бўлиб, камроқ учрайди.

Бу касаллик баъзан ёппасига тарқалиб кетиши мүмкин. Агар касаллик үз вақтида аниқланиб даволанмаса, қуёнчиликка катта зарар келтириши мүмкін. Бунда қуён териси нинг сифати бузилади, қуёнчаларнинг үсиши ва ривожла ниши секинлашади, турли касалликларга берилувчан бўлиб қолади.

**Клиник белгилари.** Касалланған қуёнларнинг териси шишади, у майда-майда шишлар билан қопланиб, шишнинг ичидағи суюқлик ташқарига чиқади, үрнида эса пұстлоқ ҳарисил бўлади. Заараланған жой қичишиб, уни қуён қонағунча қашыйди.

**Ташхис.** Қуённинг касаллигини аниқлаш учун заараланған жойдан қиринди олинади, қора қофозга ёки иккита содаттойнасининг орасига олиб,  $25\text{--}30$  °С гача қиздирілади, 10 минутта құтири канаси ҳаракатта келади. Уни микроскоп остида күриш мүмкін.

**Касалликни даволаш усуллари.** Касал қуёнларни даволаш учун, улар тұдадан ажратиласы да үнга креолиннинг 10% ли эмульсияси ёки кунгабоқар ёғидаги лизолин эритомаси суркалади. Құтири даволашда айникса 2% ли юглон малҳами яхши натижә беради.

Агар юқоридаги дорилар топилмаса, уни қуён бокувчи

шинг ўзи тайёрлаши мумкин. Бунинг учун 6 қисм олтингутурт, 8 қисм атир совун, 1 қисм калий карбонат ва 10 қисм вазелинни аралаштирилади ва уни ҳайвоннинг касалланған жойига суркалади.

## ҚУЁНЛАРНИНГ ЮҚУМСИЗ КАСАЛЛИГИ

**Қуёнларни совуқ уриши.** Қуёнлар очиқ ҳавода ўта совуқ ҳароратда сакланганда уларни совуқ уриши мумкин.

**Клиник белгилари.** Қуённинг қулоқлари ва оёқларининг учи заарланади, совуқ урган жой қизаради, пуфак ҳосил бўлади ёки ўша ердаги тўқима ўлади.

**Касалликни даволаш усуллари.** Агар қуённинг қулоғи бироз қизарган бўлса, уни қор билан ишқаб, иссиқроқ хонага олиб кирилади. Кейин қуён ёғи ёки 1 фоизли йод малҳами туркалади. Совуқ урган жойда пуфак пайдо бўлган бўлса, уни очиб, суви чиқарилади ва пеницилинли малҳам кўйилади. Агар тўқима ўлган бўлса, олиб ташлаб, ярага стрептомицин малҳами кўйилади.

**Қуёнларни қуёш уриши.** Юқори ҳароратда ёки қуёш нури тик тушганда, қуёнхона дим бўлиб кетганда қуёш нури уриши ҳолати вужудга келади. Бу ҳол Ўзбекистон шароитида кўп учраб туради.

**Клиник белгилари.** Қуёнлар кам ҳаракат бўлиб, озуқага қарамайди, нафас олиши тезлашади, кўз атрофи, оғиз ва бўрни, орқа чиқарув тешиги қизариб, айрим жойлари кўкараб кетади. Кейинчалик титроқ пайдо бўлиб, ҳалок бўлади.

**Касалликнинг даволаш усуллари.** Бундай ҳолат содир бўлганида қуён совуқроқ хонага кўчирилади. Қуённи бошига хўлланган латта босиб, ҳар 4-5 минутда янгилаб турилади. Ҳатто, қуённинг усти бирор материал билан ёпилиб, сув қўйиш мумкин. Қуёш ургани қанча тез аниқланиб даволанса,

шунча тез тузалади.

Касалликнинг олдини олиш учун қуён катаклари бос тирмалар тағига, дараҳтларнинг соясига жойлаштирилади. Бунда катакларга эрталаб ёки кечқурун қуёш нури туши турсин.

**Туғишининг кечикиши.** Одатда қуёнлар 28-30 кунда туғыди. Айрим ҳолларда туғиши 34-36 кунга өткізу мүмкін. Үндан ҳам өткізу мүмкін. Үндандың қызына қатталашырынан берген деб қараш керак.

**Клиник белгилари.** Ҳомиланиң құл билан ушлаб күрүп ганда қимирламаса, қориннинг катталашиб кетгани күзатылади.

**Даволаш усуллари.** Қуённинг елка териси остига 1 месец пітиутрин ёки окситоцин моддасын үкол қилинади. Бу дори қуён бачадонини ҳаракатта келтириб, сунъий туғишиннан вужудға келтиради.

Баъзи ҳолларда туғишининг кечикишига, қуёнларни бүғозлик даврида хаддан ташқары құп боқилиши ҳам сабаб бүлиши мүмкін. Шунинг учун қуён туғишиңа яқын үнгә тұла күмматли озуқалар оз-оздан тез-тез бериб турилади.

**Метиоризм (ичак шишиши).** Бу касаллик күпинча қуёнларға янги ўрилған ва хұл хашакларни құп беріш оқибатидан келиб чиқади. Бунга яхши етилмаган беда, себарга, хұл үтлар, моғорлаган хашак, қызыбың қолған күк озуқалар ва ачиган озуқалар сабаб бүлади.

**Касаллик аломатлари:** Қуён озуқаны емай құяды, қорниң катталашади, нафас олиши тезлашади, аммо юзаки бүли, ұхуди бүғилиб қолғанға ұхшайды.

**Касалликни даволаш усуллари.** Шундай ҳолат содир бүлгандың бириңчи навбатда сифатсиз озуқа рациондан чиқарылыши керак. Касал қуёнға эса 5-8 мл ихтиол эритма

Сидан ёки 3-5 мл сут кислота билан мускул орасига укол қилинади. Қүённинг қорни енгил силаанды, вақти-вақти билан катакдан чиқариб ҳаракатлантирилади.

**Конъюнктивит** – күз касаллиги. Құзнинг механик жарохаттаниши, унга чанг ёки бошқа ёт жисм сингиши, кимёшій моддалар таъсири ва қүён емида А витамины етишмас-лиги оқибатида вужудга келади.



**Клиник белгилари.** Конъюнктивит шакллари күздаги шиллик пардалар йириングлаши ёки яллиғланиши күринишіда күзатиласы. Биринчи шаклда күзлар кучли қизарып, күп микдорда ажралаётган йириңг қовоқларни очирмай спиштириб құяды. Иккінчи шаклда қүён күзидаги шиллик пардаларнинг қизариши, шишиши ва ёшланиши күзга ташланады.

**Даволаш усуллари.** Күздаги шиллик пардалар яллиғланиши күринишидеги конъюнктивитни даволаш учун қүён күзи 2% ли борат кислотаси билан ювилиб, унга 2-3 томчи

рух эритмаси томчилари томизилади.

Конъюнктивитнинг йирингли кўринишидаги шаклини даволаш учун эса қўён қўзи 2% ли борат кислотаси билан ювилади. Қовоқнинг шиллиқ пардаларига (қовоқлар остига) 2-3% ли эритромицин суртилади. Шоҳпарда (мугузпарда) яраланган ва хиралашганда каломел, эритромицин сурти лади.

### Нафас олиш аъзоларининг касалланиши

Қуёнхонадаги ҳаво ҳароратининг кескин ўзгариб туриши, елвизак, аммиак моддаси, чанг, тутун ва момикнин ошиб кетиши оқибатида вужудга келади. Ушбу касалликлар жумласига **ринит** (тумов), **бронхит, плеврит** (зотилжам) ва ўпканинг **катарал** (пардаларнинг) **яллиғланиши** киради.



**Даволаш усуллари.** Биринчидан касалликнинг вужудга келиш сабабларини бартараф этиш. Иккинчидан ринитга чалинган қуён бурнига бир кунда 1-2 маротаба 1% ли фурацилин эритмасини, таркибида 15-20 минг бирликка эга пенициллин эритмаси билан аралаштириб 5-6 томчи томизилади; бронхитга чалинган ва ўпкаси катарал (пардалари) яллиғланган қуённинг мушаклари орасига ҳар 4 соатда қуённинг ҳар 1 кг вазнига 20 минг бирликка эга пенициллин эритмаси юборилади. Шунингдек, ем билан биргаликда қуённинг ҳар 1 кг тирик вазнига эритромицин, тилозин берилади.

**Касалликнинг олдини олиш усуллари.** Қуёнлар катагини ўз вақтида совук ўтмайдиган қилиб иситиш, елвизакка барҳам бериш, емини яхшилаш.

**Пододерматит.** Панжалар ёстиқчасида яра ва тешиклар пайдо бўлиши билан кузатиладиган катта қуёнлар орасида кўп учрайдиган касаллик.

Ушбу касалликка тирик вазни оғир ва панжаларидаги момиклари ёмон ривожланган қуёнлар кўп таъсирчандир. Қуёнхона ва катаклардаги антисанитария ҳолати, ортиқча намлик ва ҳаво ҳароратининг ҳаддан ташқари юқори бўлиши касаллик ривожланишига сабаб бўлади.

Касалликнинг ilk босқичида жадал шўралаш оқибатида оёқ тагининг ёрилиши, ғурра ва ўсимталар пайдо бўлиши, панжалардан тез-тез қонли сариқсув чиқиши ёки кучсиз қон кетиши кузатилади. Кейинчалик йирингли яра ва тешиклар ҳосил бўлади. Жониворлар иштаҳаси йўқолади, гоҳ у гоҳ бу оёғида туришади, оёқларини чўзиб кўп ётади, озади, аксарият ҳолларда нобуд бўлади.

**Даволаш усуллари.** Ҳар куни жароҳатларга левамикол суртилади. Яралардаги қуриган тери ва ўлик тўқималар механик усулда олинади, 1-2% ли йод билан ишлов берилади. Қон

оқиши тұхтатилгач, жароҳатга окситетрациклин (окситетрациклин дигидрат), тетрациклин қукуни (порошоги) сепилади ёки Вишневский (мазь) суртмаси суртилади. Дорилар қўйилган жойларни маҳкамловчи боғлама билан боғлаган маъқул.

Агар касалга чалинган қуён қиймати юқори бўлмаса уни сўйиш, терисини шилиб олиб, гўштини кўмиб ташлаш мақсадга мувофиқдир.

### **Касалликнинг олдини олиш чоралари:**

1. Касалга чалинган ёки ушбу касаллик билан касалланишга мойил бўлган (панжалардаги момиқлари ёмон ривожланган) қуёнларни яроқсиз қуёнлар гуруҳига ажратиб қўйиш;
2. Катақларни тоза тутиш;
3. Катақдаги тўрдан қилинган полга 35x25 сантиметр ли ёғоч пол ётқизиш;
4. Катақларни янги сўндирилган оҳак билан оқлаш.

**Рахит.** Ёш қуёнларда D витамини, авитаминоз, шунингдек, организмдаги кальций ва фосфорнинг танқислиги ёки ушбу моддаларнинг ўзаро мутаносиблиги бузилиши оқибатида вужудга келади.

**Касалликнинг олдини олиш чоралари.** Хомиладор ва бола эмизаётган урғочилар емига D витамини билан бойитилган моддалар, мисол учун 1 чой қошиқдан балиқ мойи ва 2-3 грамм гўшт-суяк ва суяк уни қўшиб берилади. Шунингдек, ёш қуёнчаларни ультрабинафша нурлар билан нурлантириш тавсия этилади.

**Ошқозон-ичак касалликлари.** Нордон катар касаллиги Ифлос, сифати ёмон ва тез ачийдиган ем берилиши оқибатида келиб чиқадиган касаллик. Бундай дардга йўлиққан қуёнлар ем емайди, бош тортиб, кўп шилимшиқли ва газ пуфакчали долчин-кул ранг нажас чиқаради. Айрим ҳолларда, овқат ҳазм қилиш (сингдириш) йўлларининг шишиб кетиши кузатилади.

**Ишқорли катар касаллиги (нордон катар).** Ёш қүёнчаларни күп миқдорда ширадор озукалар билан боқиш оқибатида юзага келадиган касаллик. Касалга чалинган жонивор иштаҳаси йүқолиб, овқат емайди. Овқат ҳазм қилиш (сингдириш) йұлларидан суюқ, тұқ жигарранг, чиринди ҳиди анқийдиган нажас чиқади. Бундай касалга чалинган қүёнчалар 1-2 ҳафта ичидә нобуд бұлади.

**Шамоллаш катари.** Қүён организмининг ҳаддан ташқари совуқ қотиши оқибатида юзага келади. Жониворлар бошқа катар касалліклар сингари әзилған, ем ейишдан тұхтайди. Дефекация тезлашади ёки тез-тез кучанади. Нажас суюқлашиб, жигарранг-сарық тус олади. Ушбу аломатлар билан тұмов касали, тез-тез акса уриб туришлар ҳам кузатилади.

Ёш қүёнчалар бу касаллікка чалиниши аникланғанда соғлом жониворлар орасидан 12-24 соат ичидә ажратиб олиниши керак. Дағал, ширадор ва сифатсиз ем берилмайди. Ем меъёри 1,5-2 баробар камайтириләди. 4-5 кундан әзтиборан қүёнларга осон ҳазм бұладиган ем, юқори сифатли пичан, майдаланған дон, сули (қовурилған ҳолда) берилади.

**Даволаш усуллари. Нордон катар** касаллиги аломати күзатилаётган қүёнларга 1 кунда 2 маротаба 0,1 грамм синтомицин ва 7-10 мл сут зардоби берилади. Ошқозони ёки ичаклари шишган пайтда 5-8 мл 10% ли ихтиол эритмаси ёки 3-5 мл 5% ли сут кислотаси берилади. Даволаш муолажасидан сұнг жониворларга қүёнхонада эркин юриши учун шарроит яратилади. Ичбуруғ аломати мавжуд қүёнларга 1 кунда 1-2 маротаба 0,2-0,3 граммдан биовит берилади. Эман пұстлогоғининг қайнатмаси билан ҳам даволаш яхши натижасига эришиш мүмкін.

Ишқорли катарга чалинган қүёнларга 1 кунда 2 маротаба 1-2 чой қошиқ калий перманганат (тұқ бинафша рангли

кристалл модда) эритмаси (1:5000) берилиб, 1-2 соатдан сүні 0,2-0,3 граммдан сульфаприм юборилади.

**Шамоллаш катарига** чалинган қүёнчалар иссиқ хонага олиб үтилади ёки катаклар иситилиб, елвизак йұллари ёпи лади. Бир кунда 2 маротаба 0,1-0,5 граммдан биомицин (хлоретрациклин гидрохlorид) тайинланади. Ич қотганда карловар тузи (ёш қүёнчаларга 3-4 граммдан, катта қүёнларға әса 5-6 граммдан) ёки кастор мойи (1-1,5 чой қошиқдан) яхши ёрдам беради. Хона ҳароратидаги совунли сув билан хуқна (клизма) қилиш ҳам яхши натижә беради.

Метеоризмни (ичакларнинг шишиб кетишини) ұт-ұлан арапашмаларининг (мойчечак, шувоқ (ёвшан), себарга (учбарг) ғуллари, ботқоқ гнафалиуми) қайнатмаси билан сама-рали даволаш мүмкін.

Қүёнчалар дефикациядан 7-13 соат ұтганидан сүнг овқат лантирилади. Ем оз микдорда одатдаги меъёрга аста-секин яқынлаштирилиб берилади.

**Касалликнинг олдини олиш чоралари.** Авваламбор си-фатли ем бериш, қүёнлар тагини ва сувдонларни доимо тоза тутиш, ачиган ва моғор босган ем қолдиқларини олиб ташлаш лозим.

Овқат ҳазм қилиш йұллари фаолиятининг бузилишини олдини олиш учун 5-7 кун давомида емнинг бир турини иккинчисига аста-секин алмаштириб бориш лозим. Айниқса, күк майса, лавлаги, карам кабиларни озуқа рационига кири-тишни әхтиётлик билан бажарыш зарур. Онасидан эндиги на ажратиб олинган қүёнчаларға енгил ҳазм бұладиган ем бериш керак, ушбу жараённи яхшилаш маңсадида ажратиб олинган кундан әзтиборан 20-40 кун давомида (ошқозон шираси фаолиятининг әнг суст даври) емга ацидофилин дармон дориси құшиб берилади.

**Ичак тұлиб қолиши.** Бундай ҳолат қуёнлар сувсиз қолғанда юзага келиши мүмкін. Бунда қуённинг нажаси келмай қолади, қорин бұшлиғи пайпасланганида эса нажаснинг қаттиқлашиб қолгани сезилади.

**Даволаш усули.** Ёш қуёнчаларга 3-4 граммдан, катта қуёнларга 5-6 граммдан Глаубер тузи (натрий сульфат) ёки магний сульфат тузи эритмаси берилади. Кастор мойининг 1-1,5 чой қошиғида берилиши ҳам яхши самара беради. Шунингдек, сули қайнатмаси ичирилиб, қуён қорнига буғланувчан линимент суркалади, илиқ бироз совунли сув билан ҳуқна (клизма) қилинади. Шундан сұнг фаол ҳаракатланиши учун құйиб юборилади.

**Шикастлар.** Бундай жароҳатлар жумласига тимдаланиш, шилиниш, лат ейиш ва сүяқ синишлари, орқа миянинг тана-нинг орқа қисми фалаж бўлишига олиб келадиган даражадаги (нотұғри сакраш ёки қуён белига зарб бериш натижасида) шикастланишлар киради.

**Даволаш усули.** Тимдаланган ёки шилинган жойларни тозалаб йод суртиш, йирик яраларни эса тикиш лозим. Синган сүяги кўкрак ёки қорин бұшлиғига кириб кетган, шунингдек, фалаж бўлишга олиб келадиган даражада жароҳатланган қуёнларни даволаш бефойда.

**Күёңчилик фермаларида ўтказиладиган ветеринария  
тадбирлари режаси**

<b>№</b>	<b>Ўтказиладиган тадбирлар</b>	<b>Муддати</b>	<b>Бажарилиши керак</b>
1	Клиник текшириш ва ринит, абцесс, мастиит, пододерматит, тимпания, метеоризм ва бошқа касалликка чалинган қүёнлар сўйилади	Хар куни	
2	Лабораторияда озукалар сифатини текшириш	Хар душанба	
3	Кокцидиоз, пастереллёз юкумли ринит касалликларини олдини олиш учун	Хар ойда	Схема асосида 10 кун ичидагорилаш
4	Ошқозон-ичак касалликларини олдини олиш	Хар ойда	1 грамм марганцовка 2 л сувга аралаштириб ичирилади
5	Күён фермаларини аэрозол сепиш усули билан дезинфекция қилиш	Хар ойда, кун ора	2 грамм сквидардан 20 грамм хлорли оҳак 1 м <sup>3</sup> сепилиб бир соат беркитилади
6	Нафас йўлларини антибиотик ва исириқ тутатиш билан тозалаш	Вазиятдан келиб чиқиб	Она қүёнлар ва наслга қолган қүёнларни
7	Катак, инвентарь бино ичи гўнг чукурларини дезинфекция қилиш	Хар ойда бир марта	2% каустик сода билан

8	Тери касалликларини олдини олиш	Хар ҳафтада	1% кереолин эритмаси, вазелин, пахта ёғи, писта ёғи, Ал 20 грамм
9	Күёнларни чўмилтириш	Ёз ойлари. 2-3 марта	0,5% лик фаол керолин эритмаси билан
10	Күёнхона, омборлар ва ёрдамчи биноларни дезинфекция қилиб тозалаш	Бир йилда 2 марта	Бактоумарин, зоокумарин, монофталин
11	Касалликка қарши вакцина қилиш	Хар куни	Раббивак
12	Тозалик куни	Бир йилда 1 марта	Хар бир хона, катак ва анжомлар дезинфекция йўли билан
13	Тозалик куни бутун хўжалик учун	Бир йилда 1 марта 10 кун	Хоналар қуёndан ҳоли қилиниб, механик, оловли ишқорлар ва бошқалар билан 25% фармальдегид билан ишлов берилиб 1 сутка турилади

**Куён боқишда уларнинг касалланмаслиги учун қўйидаги профилактик тадбирларга амал қилиш керак:**

1. Куёнларни давлат наслчиллик хўжаликлиридан, агар бунинг иложи бўлмаса, касаллик бўлмаган куён фермаларидан сотиб олиш. Бунда, албатта, ветеринар шифокоридан рухсат олиш.
2. Бошқа хўжалиқдан сотиб олинган қуёнларни бир ой давомида карантинга олиш керак. Бу даврда қуёнлар соғлиғи, иштаҳаси ва умуман физиологик ҳолати кузатилади.
3. Ташқаридан келтирилган инвентарлар, идишлар, асбоб-ускуналар ва гўнг ташишга мўлжалланган аравачаларни фойдаланишдан олдин яхшилаб заарсизлантириш.
4. Бошқа хўжалиқдан келтирилган ем-хашакни 10-15 кун давомида бир-иккита қуёнга оз-оздан едириб кўриш, агар қуёнларда касаллик аломатлари сезилмаса, у ҳолда барча қуёнларга бериш.
5. Кемирувчиларнинг тури хил касалликлар тарқатишида асосий воситачи эканлигини назарда тутиб, куёнхонада уларга қарши курашиш.
6. Ҳар куни эрталаб қуёнларни озиқлантиришдан олдин, уларни кўздан кечириш, касал қуён бўлса ёки у касалликда гумон қилинса, уни асосий тўдадан ажратиб, изоляторга жойлаштириш.

**Қуёнларда касалликнинг олдини олиш усуллари**

Қуёнлар катагининг пол панжарасини тўрдан тайёрлаш, остидаги яхлит полни суткада 2 маротабадан кам бўлмаган ҳолда гўнгдан тозалаб туриш лозим. Таги ва сувдонлар доимо тоза тутилиши керак. Парвариш асбоблари ва катаклар пайвандлаш лампасининг олови билан бир сидира қиздириб чиқилиши зарур.

Аксарият юқумли касалликларнинг олдини олувчи восита- карантиндир. Бунинг учун сотишга ажратиб қўйилган ёки қўёнларни бош сонини қўпайтириш ниятида харид қилингандан бир неча кун карантинда боқиш керак. Янги қўёнларнинг эҳтимолий касалликларини аниқлаш мақсадида қўён-боқар ихтиёрида бир нечта алоҳида катаклар бўлиши лозим. Ушбу катаклар сони қўёнлар сонига боғлик.

### **Қўёнларнинг ветеринар аптечкаси**

- Бензилпеницилин (кукун) – умумий ва маҳаллий инфекциялар учун.
- Биосол-70% (кукун) - бактериологик диарея ва энтерит профилактикаси ва даволаш учун ишлатилади.
- Ветофлок-5% - нафас олиш йўллари ва ошқозон-ичак инфекцияларини даволаш ва олдини олиш учун.
- Геомицин (таблеткаси) - ошқозон ичак инфекциясига қарши.
- Эгоцин - сийдик тизими, нафас йўллари ва ичакларнинг ўткир ва сурункали инфекцияларни даволаш учун.
- Зинаприм - ринит, кокцидиоз, пневмония, энтеритларни даволаш учун.
- Ветрококс (кукун) - кокцидиозни даволаш ва олдини олиш учун.
- Калийперманганат (марганцовка) - яраларни дезинфекциялаш учун.
- Фурацилин - йирингли яраларни даволаш учун.
- Фталазол – ошқозон-ичак яраларни даволаш учун.
- Йод - микробларга қарши ишлатилади.
- Стрептоцид (кукун) - ташқи яралар учун.
- Активланган кўмир - ички заҳарланишда ишлатилади.

## ■ | Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Адилова А., Холматов А. “Фермер хўжалигида қуёнчилик” Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. № 11. 2010. 13 б.
2. Тинаев Н.И. «Разведение кроликов» Москва-2004. с, 22-25.
3. Житникова Ю. «Подворье кролики» Ростов на-Дону 2004. с, 5-9.
4. Амантурдиев F.B. “Қуёнчилик” фанидан амалий машғулот. Тошкент: 2000.
5. Долимов Ш.З Томорқа хўжалигида қуёнчилик. Тошкент: 2008.
6. Юсубахмедов А.А., Маматиминов Ш.К. Қуёнлар эймериози (кокцидиоз) ва уни олдини олиш чора-тадбирлари. “Мамлакат тараққиёти – ёшлар нигоҳида” I-илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. Тошкент: 2017. – б. 272, 273.
7. Балласов У.Ш., Маматиминов Ш.К. “Қуёнчилик” фанидан ўқув қўлланма. ТошДАУ. Тошкент: 2016.

46.71  
К 70

Күёнчилик [Матн] : илмий нашр / «Агробанк» АТБ.-  
Тошкент: "ТАСВИР" нашриёт уйи, 2021. - 100 б.

ISBN 978-9943-7173-7-4

УЎК 636.92  
КБК 46.71

**Лойиҳа ғояси муаллифи ва ташкилотчиси  
“Агробанк” АТБ**

**100 китоб тўплами**

**ҚУЁНЧИЛИК**

**81-китоб**

**Таржимонлар:**

Тошкент давлат шарқшунослик университети  
“Таржима ва тил маркази” таржимонлар гурӯҳи

**Муҳаррир-мусахҳих:**

М. Тошпулатов

**Компьютерда тайёрловчилар:**

К.Б. Бахриддинов, Б.Т. Нишонбоев

**Дизайнер:**

Ш.М. Одилов

Нашриёт тасдиқномаси: № 7404, 02.02.2021  
Босишига 12.07.2021 да рухсат этилди. Бичими 60x84  $\frac{1}{16}$   
Fira Sans гарнитураси. Офсет босма усулида чоп этилди.  
Адади 10.000 нусха. Буюртма рақами: 2259

Нашриёт уйи “Тасвир”  
Тошкент – 2021

“Colorpack” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳар, Янги шаҳар кӯчаси, 1А.

## **AGROBANK**

🌐 [www.agrobank.uz](http://www.agrobank.uz)

📞 1216

📡 [@agrobankchannel](https://@agrobankchannel)

🌐 [@agrobankuzbekistan](https:///agrobankuzbekistan)

**Қўлланмадан тижорат йўлида фойдаланиш  
қатъиян тақиқланади**

ISBN 978-9943-7173-7-4



9 789943 717374